



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 29 январь, чоршанба

№9 (11.500)

Эркин нархда сотилади

## САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ислам  
Каримов 27 январь кун  
давлат ташифи билан  
Испания Кириллигига  
жўнаб кетди.



Мадрид, 27 январь. ЎзА махсус мухбири Озод РАЖАБОВ хабар қилади: Президент Ислам Каримов раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегацияси бугун Мадридда етиб келди. Ўзбекистон ва Испания давлат байроқлари билан безатилган "Эл Пардо" кироллик саройида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Мамлакатимиз раҳбари шарафига фахрий қорувул саф тортди. Давлат махфиялари янгради. Президент Ислам Каримов ва Кирил Хуан Карлос Биринчи фахрий қорувул сафи олдида ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари жойлашган қароргоҳда Испания Ташқи ишлар вазирлиги давлат котиби Р. Мигел томонидан Ўзбекистон делегацияси учун қабул маросими уюштирилди.

Шундан сўнг Ислам Каримов Испания кироллик хонадонининг расмий қароргоҳи бўлиши "Сарсуэла" саройига таширди. Бу ерда Кирил Хуан Карлос Биринчи билан учрашув бўлди. Самимий суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар ҳамда халқро муаммоларга оид кўлаб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Оқшом саройида олий мартабали меҳмон шарафига Испания Кириллиги номидан расмий қабул маросими уюштирилди.

Сафар давомида Ислам Каримовнинг Испания ҳукумати Раиси. Сенат ҳамда Депутатлар конгресси доимий кўмиталарининг аъзолари, Мадрид мэри, ишбилармон-

лар билан учрашувлари режалаштирилган. Ташир дас-турда мамлакатимиз раҳбарининг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби Ф. Франжили билан мулоқоти ҳам кўзда тутилган.

Мадрид, 28 январь. ЎзА махсус мухбири Озод РАЖАБОВ хабар қилади: Мадрид марказидаги "Ле-алтад" майдонида мамлакат

озодлиги йўлида жон фидо қилган курашчиларга атаб ёдгорлик мажмуи бунёд этилган. Испанияга давлат ташир-фининг иккинчи кунини Президентимизга Сенат ва Депутатлар конгрессининг медали тақдим этилди.

Ислам Каримов Сенатнинг қадимий ва бой кутубхонаси билан танишиб, "Олтин китоб"га тақдир битди. Испан конунчилари мамлакатимиз

раҳбарига мамлакатнинг 1978 йили қабул қилинган конституциясининг ноидр нусхасини тақдим этди.

Сенат ва Депутатлар конгрессининг раҳбарлари — Хуан Хосе Лукас Хименес ҳамда Руди Убеда Луиза Фернанда, доимий кўмиталар раҳбарлари иштирокида ўтказилган кўшма йиғилишда мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ишларни баҳолаётган самаралар ҳақида сўзлади. Парламентларо алоқаларни ривожлантириш мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг муҳим йўналиши эканини таъкидлади.

Президент Ислам Каримов маҳалли аънанага биноан суворийлар кузатувида Мадрид мэриясига таширди буюрди. Мамлакатимиз раҳбарини шаҳар мэри Хосе Мария Алварес дел Манзано кутиб олди. Бу ерда Ислам Каримовга Мадрид шаҳрининг рамзий "Олтин калити" тақдим этилди.

Мэр билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Испаниянинг тарихий шаҳарлари ўртасида қарор топган қадимий алоқаларни тиклаш ва ривожлантириш икки томон учун ҳам фойдали эканили таъкидланди. Мадрид билан Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида бевосита ҳамкорлини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Куннинг иккинчи ярмида "Монклоа" саройида Президент Ислам Каримов ҳамда Испания ҳукумати Раиси Хосе Мария Аснар раҳбарлигида икки мамлакат делегацияларининг учрашуви бўлди. Музокарада Ўзбекистон билан Испания ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорлини кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилин-

ди. Савдо-иқтисодий алоқалар кўлами замон талаблари ва икки томоннинг имкониятлари даражасида эмаслиги қайд этилиб, келгусида ҳамкорлини янада ривожлантириш борасида атрафлича фикр алмашилди.

Музокара якунида Ўзбекистон билан Испания ўртасида Сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битим, шунингдек, иқтисодий вазирликлар, ташқи сиёсат маҳкамалари ҳамда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Испаниянинг Алкала де Энарес университетини ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

Испания сайёҳлик соҳасида дунёдаги етакчи ўринлардан бирида туради. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг (ЖСТ) қароргоҳи Мадридда жойлашгани ҳам бежиз эмас. Президент Ислам Каримовнинг мазкур ташкилот Бош котиби Франческо Франжили билан учрашуви чоғида Ўзбекистонда сайёҳликни янада ривожлантириш ва бу борада мамлакатимизнинг ЖСТ билан ҳамкорлигини кенгайтиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз раҳбари қайси давлатга таширди буюрмасин, албатта, ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашади. Мадрид сафари ҳам бундан мустасно бўлмади. Ислам Каримовнинг Испания Тадбиркорлар ва саноатчилар конфедерациясида бўлиб ўтган учрашувида Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари, мамлакатимизда хориж сармояси учун яратилган имтиёз ва кулайликлар ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Испанияга давлат таширфи давом этмоқда.

(Ў.А.)

## Вилоят ҳокимлигида ХУДУДЛАРИМИЗ ЯНАДА ОБОД ВА КЎРКАМ БЎЛАДИ

Тошкент вилоятида шаҳар ва туманлар марказлари, автомобил ва магистрал йўллари, даҳалар, мавзёлар, кўчалар, қорхона ва ташкилотларга қарашли ҳудудларни юксак даражада ривожлантириш, марказлардаги ободонлаштириш ва кўкчаларни янгиликлар билан таъминлаш, жойларда боғлар ва сайёҳлар барпо этиш, истироҳат боғлари, хабароти тартибга келтириш, барча ҳудудларнинг санитария аҳолини тўқиб қолдириш, марказлардаги биноларга замонавий архитектура кўрғасини бериш ҳамда республикамиз Президентининг ташаббуси билан 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинган йилини ишонатга олиб, вилоятнинг барча ҳудудларида ободонлаштириш ва кўкчаларни янгиликлар билан таъминлаш амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди ва амалга оширишга киришилди.

Вилоят ҳокимининг бу борада қабул қилган махсус қарорига мувофиқ вилоят ҳудудида 2003 йил мобайнида ободонлаштириш ва кўкчаларни янгиликлар билан таъминлаш бўйича йўналишларни аниқлаш, аҳоли турар-жойлари, биноларнинг замонавий, маҳалла гузарлари, хабароти ва маданий-маиший объектларнинг ўзига хос кўрғасини бўлиши, кўприклар, ариқ ва бетон ариқларнинг меъёрий талабларга жавоб бериши, электр энергия, алоқа ва газ тармоқларининг кўчаларда белгиланган талаблар асосида ўтказилганини, жойларда манзарали даҳалар, гул кўчалари экилишини, қорхона ва ташкилотларнинг ҳудудлари, шийпонлар, меҳнаткашлар учун яратилган шарт-шароитлар аҳоли талаб даражасида бўлишини таъминлаш сингари қатор вазифалар дастурнинг бир бўлағидир. Бундан ташқари, ишчи гуруҳи аъзолари кўкчаларни янгиликлар билан таъминлаш бўйича семинарлар ташкил этиб, маъсул бўлган ҳудудларда белгиланган чора-тадбирларнинг изчиллик билан бажарилишини мувофиқлаштириб боради.

Бутун йил мобайнида уч босқичда ўтказилаётган ва тадбир Обод маҳалла йилининг энг оммавий тадбирларидан бири бўлади. Чунки ундан ҳеч қачон четда қолмайди.

## Кўрик-танлов ЎЗ ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Ана шу мавзудаги кўрик-танлов Юқоричирчиқ туманидаги «Янгиёзор» маданият уйида бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши хомийлигида ўтказилган ушбу кўрик-танловдан мақсад ёшлар ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, жағиятда қонун устуворлигига эришиш, республикамизнинг амалдаги қонунлари моҳиятини ўсиб келаётган ёшлар онгига сингирдириш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда болалар иштирокитини таъминлашдан иборатдир.

Танловда коллеж талабалари, 15 та умумтаълим мактаби жамоалари иштирок эттиди. Биринчи фахрли ўринни 1-ўрта мактабнинг «Адолат» жамоаси эгаллади.

Иккинчи ўрин 12-мактабнинг «Еш ҳуқуқшунослар» жамоасига, учинчи ўрин эса 22-ўрта мактабнинг «Фемида» жамоасига насиб этди. Ғолиб жамоалар қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

Бекобод туманида «Кучли давлатдан кучли жамият сари» шиори остида ўтказилган шундай кўрик-танловда 6-мактаб жамоаси ғолиб, деб топилди.

Хушида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

## Машғулот-мунозара

Аграр соҳа раҳбарлари иштирокида ҳар йили аънаваний тарзда ўтказиб келинаётган ушбу тадбирга бу сафар ҳам ташкилий, ҳам мазмун-моҳият жиҳатидан жиддий ўзгаришлар киритилди. Аввало, у кадрлар ўқуви эмас, балки машғулот-мунозара деб аталди. Унда вилоят ҳамда туманларнинг қишлоқ ва сув ҳўжаликлари, ширкат ва фермер ҳўжаликлари раҳбарлари иштирок этмоқдалар.

Қолаверса, машғулотлар дастури ҳам ўтган йиллардагидан анча фарқ қилади. Хусусан, бир ҳафта давом этадиган машғулот-мунозаралар давомида кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш тамойиллари, икки палатали парламент тизими жорий этилишининг аҳамияти, мамлакатдаги ички ва ташқи ҳавф-хатарлар, коррупция ва жиноятчиликка қарши кураш, қишлоқда фуқаролар йиғини ва маҳалла кўмиталари фаолияти самардорлигини ошириш, иқтисодийни эркинлаштириш ва ишловларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари, ширкат ҳўжаликларида иқтисодий муносабатларни, ерга эгаллик ва ижара усулларини такомиллаштириш, иқтисослашган фермер ҳўжаликларини ташкил этиш ва уларда иқтисодий, ҳуқуқий, шартномавий муносабатларни шакллантириш, қишлоқда кичик ва ўрта бизнесни ҳамда бозор инфратузилмаларини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалик қорхоналарини тўлиқ фермер ҳўжаликларига айлантиришнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари, қишлоқда муқобил МТПларни тузиш, чорвачиликни ривожлантириш, насликлик ва ветеринария хизматини такомиллаштириш, қишлоқ ҳўжалик қорхоналарига инвестицияларни жалб этиш, маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга қўйиш каби бугунги куннинг энг долзарб ва муаммоли мавзулари кенг ва чуқур ўрганилади.

Машғулот-мунозараларни вилоят ҳокими Умнат Мирзақуллов кириш сўзи билан очди.

## ЎРТАОВУЛДА МУЛОҚОТ

Яқинда Зангиота туманидаги Ўртаовул кўрғонида «Обод маҳалла йили» муносабати билан тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака, маросимларни ўтказиш, уларни исрофгарчиликсиз ўтказиш масалаларига бағишланган мулоқот бўлиб ўтди.

Тадбирда аҳоли барча қатламларининг вакиллари иштирок эттиди. Туман маҳаллаларининг оқсоқллари, хотин-қизлар кўмиталари раислари бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб беришди.

— Бутун мамлакатда бўлганидек, бизнинг вилоятимизда ҳам иқтисодий ишловлар кейинги йилларда анча чуқурлашди, — деди Умнат Маматқуллов. — У аввало, оддий меҳнаткашларнинг мафратларига қаратилганлиги учун самараси яхши бўляпти. Масалан, 2002 йилда вилоятимиз тарихида биринчи марта 500

# РАҲБАР ЗИММАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Тошкент Давлат аграр университетиде вилоят қишлоқ ҳўжалиги раҳбар ходимларининг ўқув-машғулотлари давом этмоқда

минг тоннадан зиёд ғалла этиштиришга эришилди. Уртача ҳосилдорлик 43 центнерданга тўғри келди. Паркент, Юқоричирчиқ, Янгийўл туманларида эса, гектардан 50-57 центнердан хирмон кўтарилди.

Лекин, пахтачилик соҳасида бундай деяр олмаймиз. Утган йили режа 81 фоизда қолди. Уртача ҳосилдорлик 26 центнер бўлди. Пскент, Куйичирчиқ, Юқоричирчиқ, Янгийўл

туманларида эса, 20 центнерга ҳам етмади. Бу жойларда ҳамон жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлигининг оқибатидир. Қолаверса, бу раҳбар ва мухтаassisларнинг масъулиятсизлиги, лоқайдлиги, изланмаслиги натижасидир. Ваҳоланки, вилоятнинг имкониятлари катта. Ундан оқилона ва самарали фойдаланиш керак.

Бу эса бевосита раҳбарларнинг саъй-ҳаракатига боғлиқдир. Кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш жараёнида юзга келаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида мазруза қилган республика меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Оқил Обидов ҳар бир раҳбарнинг билими, ташаббускор, қобилияти ташкилотчи ва шу билан бирга адолатли бўлиши зарурлиги-

булмоқда. Танловнинг учинчи босқичи Ангрен шаҳридаги «Дукент» маданият саройида ўтди. Худудларро ушбу босқичда Ангрен, Олмалик, Охангарон шаҳарлари, Охангарон ва Пскент туманларининг ғолиб командалари вилоят биринчилигига йўлланма олиш учун беллашдилар.

МуСОбақа низомига кўра, беш шарт бўйича барча иштирокчилар ўз билим ва маҳоратларини намойиш этишди.

Яқуний натижаларга кўра энг кўп балл тўплаган олимпиадаликлик «Бунёдкор ёшлар»

«Замона ёшлари» вилоят кўрик-танлови фикрининг далилидир. Дастлабки босқичлар шаҳар ва қишлоқларимизда мушоҳадали, иқтидорли, ўз фикрига эга, билимга чанқоқ ёшлар кўпчилигини, улар му-

СОбақаларда жону диллари билан иштирок этаётганлигини кўрсатди. Жамоаларро куч синатиш ёшларни маслкадош, ҳамфикр бўлишга йўналтираётди.

«Замона ёшлари» вилоят кўрик-танлови фикрининг далилидир. Дастлабки босқичлар шаҳар ва қишлоқларимизда мушоҳадали, иқтидорли, ўз фикрига эга, билимга чанқоқ ёшлар кўпчилигини, улар му-

а алоҳида тўхтади. Улар кўпроқ аҳолининг бугунги ҳаёти, рўзғори, яшаш шароитидан тўла хабардор бўлиши, бунинг учун хонадонларда тез-тез бўлиб, одамларнинг оруз-умидлари билан танишиб бориши, навбатдаги иқтисодий-ижтимоий тадбирларни шунга қараб ишлаб чиқиши ва амалга ошириши лозим. Жумладан, меҳнатга яроқли аҳолини ҳисобга олиб бориш, ишчилар сонини аниқлаш ва янги иш жойларини ташкил этиш қишлоқ ҳўжалик қорхоналари раҳбарларининг асосий вазифаларидан биридир. Чунки, ҳозир аксарият ҳўжаликларда ишловчилар сон талаб даражасидагидан анча кўп. Аниқроқ қилиб айтганда булсақ, ҳўжалик раҳбарлари пудратчи оилаларга пахта ёки ғалла экиш учун 5 гектар ўрнига 2 гектардан ер бериб, одамларни «иш билан банд» қилишгапти. Натижада, икки оиланинг даромади бешта оиллага тақсимланаяпти. Бундай йўл билан қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаб бўлмаганидек, ишсизлик муаммоси ҳам ҳал этилмайди, албатта.

Машғулотларда ана шу сингари бугунги кунда ўткир бўлиб турган қатор муаммолар ва масалалар бўйича фикр-мулоқазалар алмашилмоқда. Айни вақтда уларнинг мақбул ечимини топиш, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ҳамда қарорлар асосида ишни ташкил этиш юзасидан тегишли масалахат ва тавсиялар билдирилмоқда. Шунингдек, машғулот-мунозара катнашчилари шу кунгача Адлия вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети, Давлат ва жамият қурилиши академияси, Бозор ишловхотлари илмий-тадқиқот институти раҳбар ва етакчи илмий ходимларининг махсус узуваларини тинглаб, савол-жавоб ва бахс-мунозаралар ўтказдилар.

31 январь кунини машғулот-мунозарага яқун ясалиб, тингловчилар тест синовларидан ўтадилар ва уларга гувоҳномалар топширилади.

Абдусамат Йўлдошев, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

жамоаси ғолиб деб топилди. Шунингдек, иккинчи ўринни эгаллаган Ангрен шаҳрининг «Тинэйжер-XXI» рус гуруҳи ҳам вилоят босқичида иштирок этадиган бўлди. Учинчи ўрин Охангарон туманидан «Замин юлдузлари» жамоасига насиб этди.

Ғолибларга ва барча қатнашчиларга хомийларнинг қимматбахо совғалари топширилди. Уларни вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитасининг раиси Адба Аҳмадзонова кутлади.

3. ЖУРАЕВА.

Наврўз таратдуду муносабати билан Янгийўл шаҳрида ободонлаштириш ва кўкчаларни янгиликлар билан таъминлаш бўйича икки ойлик кизгин давом этмоқда.

## НАВРЎЗ ЭШИК ҚОҚМОҚДА



Шаҳарда даракларга шакл бериш, йўллари таъмирлаш, ариқларни тозалаш, қабристонларни тартибга келтиришга жиддий эътибор берилмоқда. Жойларда янги боғлар, гулзорлар барпо қилинади. Шаҳарнинг марказий кўчаларини байрамона безаш чоралари кўрилмоқда.

Шаҳар ҳокимлигида 12 кишидан иборат ободонлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича штаб фаолияти йўлга қўйилди. Наврўз байрами арафасида «Росси» қўшма қорхонасига қарашли цех, Янгийўл ёғ-мой ҳиссдорлик жамиятига қарашли 50 тонна сифатли ўсимлик мойи ишлаб чиқарадиган цех, шаҳар марказида даволаси, соғломлаштириш маркази, «Ўткир» хусусий фирмасига қарашли 80 ички ўрнига мўлжалланган қуруқ меваларни кадоқлаш қўшма қорхонаси ишга туширилади. Шунингдек, кенг миқёсда шанбаликлар, халқ ҳашарлари, ободончилик ишлари уюштирилади.

Зухра ҲАЙДАРОВА.

Қарор ва ижро

Ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан янгилаш ва замонавийлаштириш, маҳаллий хом ашёдан ҳамда ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва шу асосда рақобатбардور маҳсулотлар тайёрлашни кенгайтириш иқтисодийётда амалга ошириладиган ислохотларнинг асосий максадларидир. Айниқса, маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб, ички ва ташқи бозорда ҳам бозори чаккон, талаб катта бўлган товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишнинг аҳамияти бекиёс.

Чунки, саноат маҳсулотлари тайёрлашда хом ашё масаласида четга қарамлик жуда қимматга тушмоқда, шунга асосланган қорхоналар жуда катта кийинчиликларга дуч келаяпти, айрим ҳолларда ўз фаолиятини тўхтатишга бормоқда. Қатор чет эллик сармоядорлар билан биргаликда барпо этилган ва хом ашёни четдан олиб келишга мўлжалланган ишлаб чиқаришлар, қўшма қорхоналар мисолида бунга аққол қўриш мумкин. Хом ашёни ички бозордан олаётган қорхоналарнинг аксарияти бир маромда ишлабгина қолмай, маҳсулот тайёрлашни кўпайтириб ҳам бораёпти. Шунинг учун мамлакатимизда маҳаллий хом ашёлар негизда буюмлар ва товарлар ишлаб чиқариш ҳар томонлама рағбатлантирилиб, кўлаб-қувватланмоқда ва бунга имтиёзлар ҳам берилмоқда. Республика Вазирилари Маҳкамаси шу максатда қатор қарорлар ҳам қабул қилди, махсус дастур ҳам ишлаб чиқилди. Вилоятда ҳам маҳаллий хом ашёдан ҳамда ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борисида дастур қабул қилинди ва шу асосда муайян ишлар амалга оширилди. Утган йили республика давлат дастурига киритилган 23 та қорхона ўзининг 27 та лойиҳаси билан иштирок этди. Йилнинг биринчи ярмидаёқ 13 та қорхонанинг 14 лойиҳаси бўйича 4,5 миллиард сўмликка қўшимча импорт ўрини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилди.

ЎЗИНГ ДАН ЧИҚҚАНГА НИМА ЕТСИН

Жумладан, Бекободдаги Ўзбекистон металлургия комбинати ҳамоаси шундай лойиҳани амалга ошириб, илгари четдан келтирилган маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйди. Чунки, металлургия янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишда асосий рольни ўйнаётган асосий металлургия маъдан майдаловчи пўлат золдирлар тайёрлаб, бюртмачиларга етказиб бера бошладилар. Ангрендаги «Энергорангли-металл» қўшма қорхонасида алюминий қўруқ каогулянти ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Вилоят қорхоналари маҳаллий хом ашё ёки турли мавжуд ресурслардан аксарият кенг истеъмол буюмлари, чунки, полиэтилен халталар, эҳтиёт қисмлар, момик сочиклар, макарон маҳсулотлари, шунингдек сараланган каолин, аккумуляторлар, бир маротаба қўлланувчи шприцлар, линолеум ва қатор бошқа маҳсулотларни тайёрлашга киришди. Бу соҳада Чирчиқдаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли

металлар комбинатида ҳам салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Қорхонада маҳаллий хом ашёдан қиммий тавсифлар жиҳатидан жаҳон мезонлари даражасига тўла жавоб берадиган маҳсулот тайёрлаш учун Олмалик кон-металлургия комбинати ҳамоаси билан кенг кўламли ҳамкорлик-жойлашган. Гидрометаллургия, яъни маъданлардан эритмалар ёрдамида молибден ажратиб олиш бўлими эса, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металл комбинатида ишлаб турипти. Таъсисчиларнинг биргаликдаги куч-гайрати туфайли энг замонавий, жаҳон талабларига жавоб берадиган мажмуа дунё юзини кўрди. Улар бу соҳада бой тажрибага эга эканликларини намойиш қилдилар. Бу ерда қўлланаётган технология ҳам қаттиқ қотишмаларни эритмалар ёрдамида парчалаш ва зарур моддаларни ажратиб олиш соҳасида фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган. Янги ишлаб чиқариш чикитсиз технологияси билан ҳам диққатга сазовор. Унинг фойдаланишига топширилиши қорхонадагина эмас, шу билан бирга бутун шаҳарда экологик вазиятнинг яхшиланишига хизмат қилмоқда. Бу ерда атмосфера хавосига ҳеч қандай чиқиндилар чиқарилмади. Унда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли молибден маҳсулоти ташқи бозорга ҳам чиқарила бошланди. Юз нафар ишчи-хизматчини ўз сафига бирлаштирган ёш жамоа келажакка ишонча билан боқмоқда. Унинг ноёб ва сифатли маҳсулотига ўзимизда ҳам, хорижий мамлакатларда ҳам ҳаридорлар топилишига қатъий ишонди. Маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш эса, ишлаб чиқаришнинг бир маромда олиб борилиши, маҳсулот таннари аъзон, бунинг устига унинг сифатли бўлиши рақобатбардошлигини таъминлайди. Халқимизда ўзингдан чиққанга не етсин, деган пурхикмат мақол бежиз айтилмаган. Ҳақиқатан ҳам ишлаб чиқаришни маҳаллий хом ашё негизда ишлашга мослаш фақат фойда беришни бу мажмуа ва бошқа шу каби қорхоналарнинг фаолияти яққол кўрсатиб турипти.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ

Қонун ва ижро

Тадбиркорлик ҳаракатини кенгайтириш, унга эркинлик бериш, деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим шарт бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда бу жараёнларнинг зарур қонунчилик асослари яратилди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунлари, бошқа қонунчилик ҳужжатлари янгидан шаклланиб келаётган фермер ва бошқа тадбиркорларга кенг йўл очиб берди.

Лекин прокуратура идораларининг тахлиллари шунини кўрсатмоқдаки, иқтисодий ислохотлар, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши йўлида қўшма маънавият, биорократик тўсиқлар, ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар мавжуд. Бу кўпроқ хўжалик субъектларини рўйхатга олиш, зарур ҳужжатларни вақтида расмийлаштириш, амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ҳақиқатда қонуний тарзда ер майдонлари ажрати бериш жараёнида намоён бўлаётди. Бундай ҳолларга барҳам бериш, кичик ва ўрта бизнес субъектларига, деҳқон ва фермер хўжалиқларига ҳуқуқий-амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида туман ва шаҳар прокуратураларида тадбиркорларни қабул қилиш мунтазам йўлга қўйилди. Мутасадди идоралар раҳбарлари билан ҳамкорликда ўқув семинарлари ташкил этиш аънонага айланди. Натижада фермерлар, бошқа тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш яхшиланиб, айрим идоралар фаолиятидаги сансалорлик, бюрократик тўсиқларни бартараф этишга эришилмоқда.

Чунки, Оққўрғон туманидаги «Озод» ширкат хўжалигида «Шавкатбек» фермер хўжалиги ишлаб чиқариш кўламли янада кенгайтиришни кўзлаб қўшимча ер майдони ажратиб беришни сўраб бир неча йилдан буён мурожаат этиб келган. Бироқ хўжалик раҳбарлари турли баҳоналар билан бу масалани ҳал этишни пайсалга солишган. Фақат вилоят прокуратурасининг аралашуvidан кейингина бу фермер хўжалигига 50 гектар ер майдони ажратиб берилди.

Шунингдек, Бекобод туманидаги Бобур номи ширкат хўжалиги бошқаруви ҳам фуқаро Х.Режавалиевнинг фермер хўжалигини ташкил этишга бўлган урнишларига тўқинчилик қилаётганлиги аниқланди. У турли идораларга қайта-қайта мурожаат қилиб, ёрдам беришни сўраган. Бироқ, аризаларни қаноатлантирилмасдан, эътиборсиз қолдирилверган. Бу ўринда ҳам прокуратура идораларининг аралашуши масалани ҳал қилди, унинг арзаси қондирилиб, 11 гектар ер ажратиб берилди.

Ўз мансаб вазифасини суиистеъмол қилиб, кўтарилган масалани амалий жиҳатдан ҳал қилмаслик ҳоллари турли банк муассасалари маҳаллий бўлимлиги фаолиятида айниқса кўп учрамоқда. Чунки, Янгийўл туманининг «Эски Қовунчи» хўжалигида ишловчи фуқаро И.Мирзаев тадбиркорлик ишини юритиш учун «Пахтабанк»нинг Гулбахор бўлимидан кредит оломай кўп овора бўлди. Нега марта мурожаат қилмасан, масалани ҳал қилиш сансалорликка солинди. Шундан кейин у ўз максадларини рўёбга чиқаришга ёрдам сўраб прокуратура идораларига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Вилоят прокуратураси аралашгач, тадбиркор 680 минг сўмлик кредит олишга муваффақ бўлди.

Бугун тадбиркорлик билан шуғулланаётган Д.Саид-азимов ва Н.Холбоевлар ҳам 1 миллион сўмдан кредит олиш ҳақидаги мурожаатларига Ангрен шаҳар ҳокимлиги узоқ фурсат беъэтибор бўлди. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимида ҳам уларнинг аризаларини кўриб чиқиш пайсалга солинди. Ниҳоят, тадбиркорлар Ангрен шаҳар прокуратурасига озгаки мурожаат қилишди. Фақат шундан кейингина улар давлат рўйхатидан ҳам ўтказилди, банкда ҳисоб рақамлари ҳам очилди. «Тадбиркорбанк»нинг шаҳар бўлими кредит маблағини ҳам берди.

Бундай мисолларни Охангарон, Бўка, Оққўрғон, Паркент, Юқоричирчиқ туманларида ҳам учратиш мумкин. Гоҳида фермер хўжаликлари ўзлари топширган пахта ҳосили учун ҳақни йиллаб ололмайдилар. Жумладан, Чиноз туманида шундай фактлар кўп. Чунки, «Дониёр», «Эрноз ота», «Тошматов Э», «Ҳожи ота», «Турсуноӣ я», «Сўноқ ота» фермер хўжаликлари 2001 йил ҳосилидан топширган пахта хом ашёсини учун тўланадиган маблағни 2002 йил ноябрь ойига куттишди. Каерга мурожаат қилишмасин, арзлари оқибатсиз қолаверди. Ниҳоят, туман прокуратураси фермерларнинг қонуний ҳақларини ундириб беришга киришиб, фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризалари киритди.

Биз қишлоқда ислохотларни амалга ошириш йўлидаги бундай ҳолатларга тамомлаша чек қўймас эканмиз, етарли ва арзон маҳсулот этиштириш, уларнинг сифатини яхшилаш, қайта ишлашни ташкил этиш вазифалари оқсайверади. Чунки, фермер, тадбиркор, деҳқон хўжалигини, вақтида моддий ёки молиявий ёрдами олишмас, деҳқончилик, чорвачилик, богдорчилик ишларини ривожлантириш оқсайверади. Бундан эса, пировардида бутун жаҳмиёт, давлат манфаатларига зарар етди. Ахир, ёлғиз Оққўрғон туманининг ўзида 9 фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш, банкда уларнинг ҳисоб рақамини очиб учун туман прокуратураси аралашушига тўғри келганигини қандай баҳолаш мумкин? Яна беш фермер хўжалигига ер майдони ажратиб бериш масаласи ижобий ҳал қилиниши учун ҳам прокуратуранинг «халасини куттишгани»-чи?

Афсуски, бу каби мисоллар гоҳ у, гоҳ бу туманда қалқиб чиқаётди. Мутасадди идоралардаги раҳбарлар аввало давлат қонунларини бажаришга масъуллар-ку? Президентимиз илқинчи қаҳирқ Олий Мажлиснинг тўқтинчи сессиясидаги маърузасида мустақиллик йилларида юртимиз одамлари, уларнинг тафаккури, ҳаётга муносабати ўзгараётганлигини мамнуният билан таъкидлади. Бироқ, айрим мансабдорларнинг ўз атрофида ўз бераётган воқеаларни илғаб етмаётганликлари бу жараёнларни сезиларли сувайтираётди. Шу ўринда айни маҳаллий ҳокимликлар, ўз-ўзини бошқариш идораларининг қонунчилик йўлидаги қатъияти, талабчанлиги намоён бўлиши зарур. Ақ ҳолда юқоридаги каби иллатлардан халос бўлиш қийин.

А.СУБОНОВ,  
Тошкент вилоят прокуратураси умумий назорат бўлимининг катта прокурори, 1-даражада юрист.  
Ж.МУРОДОВ,  
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

АРАЛАШУВ ШАРТМИ...

Қонунларимизнинг ижроси таъминланса, бунга ҳожат йўқ, албатта

Ислохот

«КУЛОЛ» ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ ҚАЙТА ТИКЛАДИ

2002 йил шахримиздаги «Кулол» очик акциядорлик жамияти ҳаётида муҳим бурилишлар даври бўлди. Халқаро ТАСИС дастурининг банкротлик ва санация кўмитаси билан ҳамкорликдаги иқтисодий ночор қорхоналарга кўмак лойиҳаси доирасида тузилган эксперт гуруҳи қорхонада 3 ой давомида иш олиб борди.



Мақсад, ундаги мавжуд аҳволини хар томонлама ўрганиб, келгусидаги ривож учун тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат эди. Чунки, «Кулол» бозор иқтисодиёти талабларига мослаша олмаган айрим қорхоналар каби оғир аҳволга тушиб қолган эди. Авваллари 2,5 минг нафарга яқин киши меҳнат қилган бу қорхонада йилга минглаб сантехника жиҳозлари, миллион квадрат метр ҳажмда плиталар, километрлаб сопол қувурлар ишлаб чиқарилганди. Хом ашёнинг 50 фоизи Украина ва бошқа республикалардан келтирилган. Бозор муносабатларига ўтилган, мамлакатимизга хориждан ана шундай турдаги, бироқ, анча юқори сифатли маҳсулотлар кириб кела бошлади. Эскирган технологияда ишловчи қорхона ўз-ўзидан «синди». Маҳсулотлар дағал кўриниши туфайли ўз харидорини йўқотди. Цехларда иш тўхтаб, улар ёпила бошлади. Ишчилар мажбурий таътилга чиқарилди. ...1997 йилда қорхонага янги раҳбар тайинланди. Баҳодир Шоюпов мутахассислиги бўйича кимёгар-технолог эди. Свердловскдаги Урал политехника институ-

ривожланиши йўлида катта даромад манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Хуллас, инқироз даврида саноклигина ишчи кучи билан ишлаган қорхонада бугун 270 киши меҳнат қилапти. Янги технология асосида 5та цех ишлаб турибди. Илгари ярим йилда базур 7 миллион сўм топган бўлса, ҳозир бир ойда 40 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланапти. Уртача иш ҳақи миқдори ўн барабар қўлайди. Бу йил қорхона беш юз миллион сўмлик сифатли маҳсулотлар тайёрлаш ниятида. Албатта, бу ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди. — Жамоамизнинг эртанги кунига ишонч бор, — дейди директорнинг иқтисодий ривожлантириш бўлима масъули хатчаси Эльза Георгиевна Огай. — Унга хорижликларнинг ҳам қизиқиши ортиб борапти. Чет эл сармояларини жалб этиш учун у йўналишда лойиҳалар ишлаб чиқилди. Россия ва Литвага жўнатилди. Бу тақлифларнинг мазмуни янги турдаги безак-боп плиталар, ўтга ва қислотга таъсирга чидамли буюмлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма қорхоналар ташкил этишдан иборат. Бу тақлифларга қизиқаятган инвесторлар бор. Тўғри, қорхонада муаммолар ҳам йўқ эмас. Биринчи галда меҳнат аҳлининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, иш шaroитини яхшилаш, моддий манфаатдорлигини ошириш зарур. Бу йўналишда раҳбарият томонидан амалий чоралар кўриляпти. «Ангренсавдо» АЖ билан келишилган ҳолда савдо хизмати қорхонанинг ўзида ташкил этилди. Иссиқхона, ёрдамчи хўжалик ҳамда профилакторийлар фаолияти ҳам қайта йўлга қўйляпти. Қисқаси, «Кулол» жамоаси эртанги кунга қатъий ишонч ва умид билан меҳнат қилмоқда. Мунаввара ИСОҚУЛОВА, Машқара ЗОХИДОВА, Ангрен шаҳри.

ВАТАН МУҚАДДАС



Ангрен шаҳридаги 14-қасб-хунара коллежи «Резинатехника» акциядорлик жамияти учун мутахассис кадрлар тайёрлайди. Талабаларни Ватанга садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан юртида алоҳида аҳамият қасб этмоқда. Яқинда коллеж маъмурияти ташаббусини кўлаб-қувватлаган мудофага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар бўлимлари талабаларнинг ҳарбий қисм вакиллари билан учрашувини ўтказди. Ватан олдидаги йигитлик бурчи, қасамга садоқат хусусида қизгин фикр олишув бўлиб ўтди. Талабалар ва ҳарбий хизматчилар жамоалари қонунлар юзасидан билимдонлик баҳси ўтказилди. Қуролли қучларда хизмат, аскарлар ҳаётига оид сахналаштирилган томошалар йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Яқуний натижага кўра, биринчиликни қўлга киритган талабалар жамоаси ҳомийлар совғаларига эга бўлди. Ўз муҳбиримиз.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Ҳиндистон пойтахти Дехлида ўсимликлар физиологияси бағишланган иккинчи халқаро конгресс бўлиб ўтди.



Мазкур халқаро анжуман ташкилий кўмитасининг тақлифига биноан, ушбу тадбирда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг илмий ишлаб чиқариш маркази бош илмий котиби профессор Р. Назаров, Ўзбекистон фан ва техникавий ривожланиш маркази директори К. Валихонов ҳамда ушбу марказ илмий котиби Г. Тоғаевдан иборат мамлакатимиз делегацияси ҳам муваффақиятли иштирок этди. Халқаро анжуман ишида дунёнинг йигирма беш мамлакатдан қарий минг нафарга яқин вакиллар қатнашди. Мамлакатимиз олимланининг анжуманда ўқилган икки маърузаси тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, Ўзбекистон делегацияси Ҳиндистон Қишлоқ хўжалик институти ходимлари билан пахтачилик соҳасида биргаликда тадқиқот ишларини олиб бориш билан боғлиқ масалалар юзасидан мулоқотлар ўтказди.

Шухрат УМИРОВ, «Жаҳон» АА. Дехли.

Миллий дастур

Мамлакатимизда ёш авлоднинг соғлом, маънавий баркамол, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмайдиган инсон этиб тарбиялашдек эзгу мақсад йўлида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бугунги кунда ўз самарасини намойн этмоқда.

Самарали ҳамкорлик йўлидан

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан таълим соҳасида ички олиб борилаётган ислохотларга бугун бутун дунёда қизиқиш тобора ортиб борапти. Улар жаҳонда таълим ислохотларининг «ўзбек модели» сифатида эътироф этилаётди. Дунёнинг энг нуфузли ва кўп асрлик тарихга эга олий ўқув даргоҳлари, халқаро ташкилотлар юртимиз таълим муассасалари, вакилликлари билан ҳамкорлик қилиш истегини билдирётгани ана шу қизиқиш нечоғли жиддий эканидан далолатдир. Шундай нуфузли олий ўқув юртиларидан бири Франциянинг Париж-Сорбонна университетидир. Мазкур университетта 1253 йилда Людовик IX - Роберт де Сорбон томонидан асос солинган бўлиб, у нафақат ушбу давлатда, балки бутун дунёдаги энг бообўр илим даргоҳи саналади. Курра-мизининг турли мамлакатлардан 25 минг нафардан зиёд йигит-қиз таҳсил олаётган мазкур университет талабалари сафида «Умид» жағмармаси грантлари совриндорлари - иқтидорли ватандошларимиз ҳам бор. Таълимдаги ислохотлар натижаси ўлароқ, Париж-Сорбонна университети мамлакатимиздаги вазириликлар, бир қатор олий ўқув юртилари, илмий марказлар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Бунинг яна бир асосий сабаби - ўқитиш жараёнида заманимизда этишб қилиш Ибн Сино, Ал Хоразмий, Мирзо Улуғбек каби буюқ алломаларнинг илмий меросини пурта ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Париж-Сорбонна университети Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Самарқанд чет тили институти, Самарқанд давлат университети ва бошқа қатор олий ўқув юртилари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйган.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.

ҲАМ ҚУРИБ, ҲАМ ТАЪМИРЛАБ...

Охангарон тумани автомобил йўллари бошқармаси олимпиаётган фойданинг салмоқли улущини янги асбоб-ускуналар сотиб олишга ажратмоқда. Биргина ўтган йили механиклар саройи «Ута-ҚамАЗ», «МАЗ» каби кўп юк кўтараядиган автомашиналар, автогрейдер билан бойиди. Шу техника ёрдамида тумандаги Телов-Шоғоссой йўли 4 километрга узайтирилди. Беш километр узунликдаги йўлга бетон қоплама ётқизилди. Унинг эни кенгайтирилиб, 19,1 метрга етказилди. 50 километрга яқин йўлнинг транспорт ўтказиш қобилияти оширилди. Шундай қилиб, ўтган йили ўзлаштирилган жами сармомая хажми 1 миллиард 100 миллион сўмга яқин бўлди. Бошқарманинг Абдурахим Курдошев раҳбарлигидаги бўлими, йўлсозлардан Қаҳрамон Раззоқов, Мўмин Одинаев, Хайдар Тоғаев, тракторчи Бахтиёр Умаров, грейдерчи, «Шухрат» медали соҳиби Абдурахим Пардаевлар ишда бошқаларга ўрнак бўлишяпти. СУРАТДА: 384-йўл бўлими бошлиғи Абдуқоим Курдошев ва автогрейдерчи Зуфар Исанов. Даврон АҲМАД олган сурат.



Зулфия номидаги Давлат мукофоти номзодлари

Дўппи тикдим, ипаклари тиллодан...

Ўзбекиона одоб билан сизга берил хонага кириб келган бу кизни кўрганимда, унда болаларга хос самимийлик ва беғуборлик, шу билан бирга хозирданок ўз олдига аниқ мақсадни кўйган, келажакда тенгдошларини ўз ортидан эргаштира оладиган қобилият борлигини хис этдим. Хали ўзи билмаган, унинг устига мухбирлар билан суҳбатлашиб, саволларига жавоб бериб ўрганмаган қахрамонимизга мулоқот давомида эркинлик яратиш мақсадида гапни сўз дафтарида ушатиб берилди.

— Хуш келибсиз. Келинг, синглим, олдин танишиб оلسак. — Мен Наврўза Эшонхўжаева бўламан. Бўстонлик туманидаги 18-ўрта мактабнинг 9-синфида ўқийман. Чорвоқ кичинидаги қишлоқда яшайми.

— Сизда зардўзлик, каштачилик хунарга ким хавас уйотган? Устозингиз-чи? — Онам Қуддусхон Эшонхўжаева кизикли уйотганлар, авлоддан авлодга ўтиб келаятган бу касби ҳар бир ўзбек кизи билиши керак, деб даъват этганлар. Орзу-



— Кечагина ўзингиз шоғирд эдингиз. Бугун устоз бўлибсиз. Шоғирдларингиз кўпми? — Узим тенги ўн олти нафар қизга билганларимни ўргатаман. Жойнамоз, зардўппи, белбоғларни бинийдай тикишяпти. Гулшан, Ситора, Аида, Ойдинор, Саида, Холиса ва бошқаларнинг кўли ишга келгани сайин шундай қувонаманки... Инсон учун ҳаракатлари самарасини кўришдан ортқ қувонч бўлмаса керак. — Наврўзахон, мактабда ўқиб, кейин уй юмушлари, дарс тайёрлаш гандек, ҳаммасига улгуринга интилиб, чарчаб

қолмаёйсизми? Ахир, мактабда аёло ўқининг ўзи бўлмайди. Кейин санъатдан ҳам яхшигина хабардор экансиз. — Онам болалигимдан қиз бола ўзига тегишли ҳамма ишни уудалаш, ҳаммасига улгурини керак, деб ўргатганлар. Ҳар кун эрталаб бугун нима иш қилишим кераклигини ўйлаб, режалаштириб оламан. Вақтимни шунга қараб тақсимлайман. Зиммамдаги вазифаларим оғир эмас, унчалик чарчамайман, негаки, ҳар бир ишни қизиқиб, берилиб адо этман-да! Тўғри, санъатдор

ликдан ҳам хабарим бор. Мусика мактабининг пианино бўлимида таҳсил олганман. — «Ташаббус-2002», «Болалар санъати» кўриктанловларининг қолибсиз. Булар, албатта, тинимсиз эвланиш, кўп меҳнат эвазига келади. Эндиги орзу-ниятларингиз? — Билим олишни давом эттириб, эл-юртга нафим тегадиган, ота-онамга фақат раҳмат эшитирадиган бар-халқ инсон бўлиш.

Рашид БОБОМУҲАМЕДОВ суҳбатлашди.

СУРАТДА: Наврўза Эшонхўжаева (чапдан иккинчи) ўз устоз ва шоғирдлари даврасида.

Хатлар ҳаёт кўзгуси

СИЗ БИЗГА КЕЛИНГ, БИЗ СИЗГА БОРАЙЛИК



Тахририят шундай мўтабар даргоҳки, унга турли ёш, турфа касбдаги кишилар ҳаётимиздаги янгиликларни, фикр-мулоҳазаларини мактубларга битиб йўллайдилар. Кишини қувонтирадиган эҳтишам шундаки, уларнинг ақсариятида ҳаётдан хурсандчилик туйғусини хис этасиз. Энг муҳими, элига, юртига нафи тешиб яшайтган фидойи инсонлар, меҳр-оқибат ҳақида газетанлар берилиб ҳисоб қилинади.

Шулардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола этасак: «Зангиота туманидаги Эркин кишлоқдан эл танган олимлар, адиблар ва атоқли педагоглар кўплаб етишиб чиққан, — деб ёздаи Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, шoir Абдуғаффор хожи Қўзиев. — Шулардан бири тиббиёт фани ривожига муносиб ҳисса қўшган Ражаббек Исомбековдир. У кўп йиллар қалқонсимон без (бўқоқ) касаллиги устида иш олиб бориб, катта муваффақиятга эришди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, қатор халқаро тиббиёт уюшмаларининг аъзоси, профессор Ражаббек Исомбеков адабиёт соҳасида ҳам баракали қалам тебратиб келаятган ижодкордир. Унинг «Дил торим қуйлари», «Қалбим торлари» шеърй тўпламлари, «Тахликали замонлар» ва бошқа асарлари шулар жумласидандир. Бу баргирек ажойиб инсон яқинда 75 ёшга тўлди...»

Ҳа, баракали ва ибратли умр кечириш инсон учун энг улўз бахт. Шундай инсонлар биз учун ўрнат. Бахтимиз ва давлатимиз бўлиши ҳар бир қишлоқ, маҳаллада шундай табаррук отахон ҳамда онахонларни кўрсак, беҳаттир қалбларимиз гурур ва фаҳрга тўлади, шулардек пиру бадавлат бўлишни орзу қиламиз.

Мана, бу хатни эса Янгийўл шаҳар Мустақиллик маҳалласида яшовчи аёллар йўллашди. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Зухра опа Ҳайдарова нафақада бўлсада, одамлар оғирини енгил қилиб, кўннинг раҳаматида сазовор бўлаётган инсонлардан. З.Ҳайдарова «Соғлом авлод учун» хайрия жағмағарига раҳбарлик қилиш билан бирга Мустақиллик маҳалласи хотин-қизлар қўмитаси раиси сифатида ҳам қатор тадбирлар ўтказишида фаоллик кўрсатиб келмоқда. Кам таъминланган, сферфаранд оилалар унинг доимий эътиборида. Яқинда тўққиз янги қизча Аннанинг соғайиб оёққа туришида опанинг кўрсатган моддий ва маънавий ёрдами катта бўлди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин... Чалах Хотидже, Татьяна Андреева, Татьяна Гречкина, Сурайё Солиева ва бошқалар».

Халқимизда яхшиликнинг мендан қайтмаса, бошқалардан қайтсин, деган гап бор. Меҳр-оқибатли халқимиз. Аҳиллик бор жойда тинчлик, оқойишталлик мустаҳкам бўлади. Топан-тутганимизга кўп барака қиради. Аммо, ҳаёт доим бир хилда давом этавермас экан. Одамнинг бугунги хурсандчилик билан ўтса, бошқа кун нимадандир ранжийди. Айниқса, кекса кишининг дили оғиргани ёмон. Келинг, яхшиси бекободлик иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Жамолдин ота Ҳудойбердиев хатидан бир парча келтирайлик:

«...1916 йилда туғилганман. Жангларда қатнашиб, Берлингача бордим. Кейин қирқ йилдан ортқ меҳнат қилдим. Мени ранжиқтан томони, бошқа пенсионерлар нафақасига ҳар йили пул қўшиб беришса, туман иккимий таъминот бўлимидагилар меники-»

Уй фойза-барақаси меҳмон билан, дейдилар. Бизнинг меҳмонимиз эса сиз, азиз мушаррайлар, ва сизнинг мактубларингиздир. Ҳаётимизда кўп ажойиб, қувончли ўзгаришлар бўляпти. Ана шулар ҳақида ёзинг, фикрингизни баён этинг. Муҳтасар қилиб айтганда, хатингиз орқали сиз бизга таширғи буюринг, биз сизга бораёлик.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими.

ЖАҲОНДА БОЛАЛАР МУАММОЛАРИ

Тошкентда БМТнинг Болалар жағмағармаси (ЮНИСЕФ) томонидан тайёрланган «Жаҳонда болаларнинг аҳоли» маърузасининг тақдими бўлиб ўтди.



Қабул қилинган халқаро конвенцияга мувофиқ ушбу маъруза ҳар йили тайёрланади. Унда жаҳонда таълим, болалар саломатлигини сақлаш, шунингдек болаларнинг жаҳонда ҳаётини яхшироқ қилиш чеклари тақдирот пайтида кўпгина мамлакатлар, хусусан Нигерия, Руанда ва кам таракий этган бошқа давлатлардаги болаларнинг қандай яшайганилиги ва ўқийтганлиги тўғрисида видеофильм намоиш этилди.

Маърузада Ўзбекистонда болалар саломатлигини сақлаш муаммолари хусусида ҳам гап кетди. Республика бош педиатри Дилором Аҳмедова сўзга чиқиб, мамлакатда туғилиш ва болалар ўлими бўйича қатор статистик маълумотларни келтирди.

Ушбу тақдиротда БМТда бўлиб келган болалар ҳам иштирок этди. Улар анжуман иштирокчиларини Ўзбекистон болалар парламенти, «Демерис» мактаб республикаси фаолияти билан таништирди. Шунингдек, тақдиротда болалар ижтимоий ва ҳуқуқий масалалар муҳокамасида ҳам қатнашди.

«Туркистон-пресс».

АЁЛЛАРГА КЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР

Тошкент вилояти қорхона ва хўжалиқларида ишловчи аёлларга яратиб берилаётган ижтимоий қўлайликлар доираси мўтмасли кенгайиб бормоқда.

Чунончи, автомобил транспорти ва йўл хўжалигининг 46 та қорхона ҳамда ташкилотда ишлаб турган 1207 аёл учун ойлик машии тўла сақланган ҳолда иш кунй бир соат қисқартирилди. Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинатда меҳнат қилаётган хотин-қизлар эса, ойда бир кун ишга чиқишмайди, лекин иш ҳақини тўла олишади. Вилоятимизнинг 321 қорхонасида бўлғуси оналарга ҳомиладорликнинг бешинчи ойидан бошлаб таътил берилиши йўлга қўйилди. Ундан 5933 аёл фойдаланиши мумкин.

Ю.ЖУМАНИЕВОВ.

Тошкентдаги Ўрта махсус, касб-хўна таълимни ривожлантириш институтида «Касбий педагогика» мавзусида семинар-тренинг иш бошлады.

Таълим қўлланмаларида касбий фанларни ўқитишнинг мазмун ва услубий сифат жиҳатдан янада яқини босқичга кўтариш мақсадида ташкил этилди.

Коллеж ўқитувчилари учун семинар

Ўрта махсус, касб-хўна таълими маркази узоқ муддатли келишув асосида Исроил, Испания, Буюк Британия, Польша, Швейцария, Япония, Франция, Малайзия каби кўплаб давлатларнинг компания ва жағмағармалари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Жумладан, Германия Техник ҳамкорлик ташкилоти билан биргаликда юртидаги касб-хўна таълими бўйича мутахассислар маълумасини ошириш лойиҳаси муваффақиятли амалга ошириляпти. Шу мақсадда Германия ҳукумати 300 минг АКШ доллари миқдорда бегараз молиявий ёрдам кўрсатди.

Лойиҳанинг дастлабки босқичида мамлакатимизнинг 45 нафар касб-хўна коллежи ўқитувчилари, амалиёт усталари ва малака ошириш муассасалари ўқитувчиларининг касбий педагогика бўйича малакаси оширилди. Келгусида бир неча таълим муассасалари замонавий техник восита билан жиҳозланишига эътибор қаратилади. Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танланган йўналишлар бўйича ўқув дастурлари ва қўлланмалар яратиш ҳам кўзда тутилган.

Назкат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Муаммо, мулоҳаза, тақлиф

Молни дағал озукка, яъни силос, сенаж ва хашакка ҳар қанча тўйдирманг, керагича ем бериб турмасангиз, сўт ва сўтнинг барақаси ҳам, сифати ҳам бўлмайди.

Лекин, афсуски, кейинги пайтда ем топиш масаласи муаммога айланб борапти. Хўш, нега шундай бўляпти? Бунинг асосий сабаби нима? Биз Тошкент тумани қишлоқ ва сўв хўжалиқи бошқармаси бошлигининг чорвачилик бўйича ўринбосари Соҳибжон Аҳмедов билан шу ҳақда суҳбатладик.

— Тўғри, ем олиш, уни хўжалиқларга етказиб беришда маълум муаммолар, чигалликлар йўқ эмас. Лекин чорвага чинакамига меҳр ва илҳос билан муносабатда бўлаётганлар эпни қилмоқдалар ва яхши натижаларга эришмоқдалар. Хусусан, Муҳаммадхон Фозилов номили, Фуломмаҳмуд Абдуллаев номили ҳамда «Ўзбекистон» ширкат хўжалиқларида олиб борилаётган ишлар, бунга мисолдир. Уларда айни кунларда ҳам сигирлардан худди ёз кунларидагидек сўт соғиб олинмоқда. Шу сингари хўжалиқлар ҳисобига туман ўзининг чорвачилиқдаги маъкеини сақлаб келмоқда.

Айни кунларда туманда 5103 бош қорамол, шу жумладан 1750 бош сигир боқилмоқда. Ҳар йили 280 тоннадан ортқ гўшт, 4,5 минг тонна сўт етиштирилиб, истеъмолчиларга сотилмоқда. — Ҳар қандай ютуқ замирида инсон меҳнати ётади. Хўжалиқларда чорвадорларга қандай шарт-шароитлар, қўлайликлар яратиб берилган? Уларнинг ижтимоий муҳофазаси қай аҳволда? — Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, чорвадорлар тўғрисида алоҳида гап-суҳбат қилинади. Тушлик пайтида хўжалик ҳисобидан уларнинг буюртмасига асосан иссиқ овқат тайёрлаб берилади. Махсус кийим-кечаклар билан таъминланади ва улар вақти-вақти билан алмаштириб турилади. Шахсан хўжалик раҳбарларининг ўзлари бу муҳим масала билан шуғулланадилар. Чорвадорларнинг оилавий шароити, туриш-туриши, ҳаёт таризидан бохабар бўлиб турадилар. Керак бўлса, озиқ-овқат махсуслотларидан ёрдам берилади.

Атроф-муҳитни асрайлик

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Кабуллар ўида Европа Иттифоқи ТАСИС Комиссиясининг Европ-Эйд Дастури томонидан молияланадиган Кўшма Экологик Дастурнинг (КЭД) дастлабки лойиҳасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Қайд этилганидек, КЭД мамлакатимиз ҳамда Европа Иттифоқидаги ҳамкор давлатлар ташаббусига кўра ТАСИС Дастури доирасида кредит олиш учун халқаро молия институтлари тақдим этилаётган соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқишга кўмаклашмоқда.


КЭД ТАСИС Дастури билан шерик мамлакатларида сўв ресурслари лойиҳасини тайёрлаш, ўрмон хўжалиги, энергия ресурслари ва бошқа масалалар бўйича лойиҳалар тайёрлаш юзасидан кенг тадқиқот ишларини амалга оширмоқда. Ўзбекистонда Экологик Дастур доирасида иккита тадқиқот лойиҳаси баҳарилмоқда. Уларнинг биринчиси 2002 йил февраль ойида ишга тушган бўлиб, шу йил февралда нийохасига етади.

Кўшма Экологик Дастур доирасида ўтказилаётган тадқиқотлар халқаро молия таъ-

лиги ҳам ортб бормоқда. Лекин, Тўлайиб номили ва Абдураҳмонов номили хўжалиқларнинг фермаларини хусусийлаштириш яхши самара бермаганлигидан қўя юма олмаيمиз. Аввалги ва фермаларни хусусийлаштириб олган «тадбиркорлар» яхши ишлагандек бўлдилар. Умумий даромаднинг кўпайишига ёрдам

олмай, оқибатда зотдор сигирларни бирин-кетин сотишга ҳам уялмадилар. Шу тариха моллар йилдан-йилга камайиб бориб, иқтисодий ноҳор аҳвол рўй бериб, инқирозга урадилар. Бунга томошабин бўлиб туриш мумкин эмасди, албатта. Ҳар икки хўжалик аъзолари раҳбарлар олдига қатъий талаб қўйди- бўлиб, сўт бермай қўйган эди. Шунинг учун ҳам, ишчи янгидан бошлашга тўғри келди. Хусусан, бу тўғрида хўжалик раҳбари Абдураҳим Абдураҳмонов астойдил бош қотириди, елиб-юғурди. Аслида-ку, инқирозга юз тутган фермани ўнглаб олишининг ўзи бўлмайди. Бунинг учун узоқ фурсат керак. Лекин

Ёки чорва емини тақсимлашдаги айрим муаммолар ва чигалликлар хусусида



бериладиган турли хил ишлаб чиқариш шохларини оқмоқда. Мис, яқин ўртада фермани ҳар жиҳатдан гуллаб-йуборамиз, деган ваъдаларни бердилар. Лекин, улар турмуш кўндалан қилиб қўйган қўйинчиликлар олдига довраб қолдилар. Ҳатто, фермада ишлаётганларнинг ҳақларини ўз вақтида тўлай

ҳам ҳар хил гаплар юради...

— Бу ҳақда мен шахсан шундай фикрдман — ферма бир вақтлари ҳақиқатан ҳам илгор бўлган. Уша пайтдаги тажрибали чорвадорлар ҳозир ҳам ишлашяпти. Бу ерда барча шарт-шароит бор. Лекин, мол сони камайитиб оқиборганлиги — ҳақиқат. Эҳтимол, фермани сотиб олган тадбиркорнинг ўз режаси, мақсади бордир. Лекин, нима бўлганда ҳам, мол туғви камайиб кетишига йўл қўймаслик керак эди.

— Уларнинг фаолиятини таҳлил этиб, зарур маслаҳатлар бериб туриш мумкин эмасми? — Нега мумкин эмас? Фермерлар уюшмасига ҳисобот бериб турадилар, ҳоқимликда вақти-вақти билан хусусийлашган фермаларнинг раҳбарлари иши кўрилиб, натижалар ўрганилиб, камчиликлари кўрсатилиб, маълум йил-йўриқлар бериб турилади.

— Лекин, барибир хусусийлашган ферма эгасининг онгида «ферма меники, уни нақд пулга сотиб олганман, нима қилсам ихтириб» деган фикр устунлик қилади... — Мен бу фикрга тўла қўйилмайман. Нима бўлганда ҳам, ферма халқнинг мулки ва бойлиги. Уни асраш, авайлаш, қўпайтириб бориш шарт.

— Энди асосий масала — ем таъминоти муаммосига қайтсак. — Мен юқоридagi фикримни давом эттириб айтмоқчиманки, ҳақиқатан ҳам бизга ўз вақтида фонд ажратмайдилар. Хўжалиқлар оилаб ем ололмайдилар. Оқибатда сигирларнинг сўти камайиб кетяпти. Бу кимга фойдаю, кимга зарар? Фондчи ўз вақтида ажратиш шунчалик қийинми? Базан туманимизнинг ўзида ҳар қандама учрайдиган ем дўконларини кўриб, ўйлиниб қоламиз. Ем бор эканки, тадбиркорлар уни олиб келиб сотишяпти. Нега энди ҳар

хил баҳоналарни рўқча қиладилар, билмаймиз.

Ҳар ҳолда бу масалаи чуқур ўйлаб, ўрганиб, таҳлил этиб, ечимини топадиган вақт келди.

— Бу омухта ем ва бошқа озукларнинг сифати ҳақида нима дея оласиз? — Ҳақиқатан бу муаммо ҳам ўткирлашиб бормоқда. Кўпчилик бу ҳақда турлича мулоҳаза билдирмоқда. Мана, ҳозир ҳар кунй ойнаи жаҳонда кўраямиз, газеталарда ўқиямиз. Сифатли мол олиб келиб сотиш керак, деган талаблар ўртага қўйляпти. Афсуски, у ер-бу ерда сотилаётган емнинг сифати ҳам талабга жавоб беришмайди. Нега уларнинг сertiфикатини сурштириш мумкин эмас? Сабаби, агар чуқурроқ текширилса, емларнинг ниҳоятда сифатсиз эканлиги, уларда чорва моллари учун керакли моддалар етарли эмаслиги аниқ бўлиб қолади. Бунга эмас, бу емларнинг ичида кўм дейсизми, тошининг майдаси дейсизми, ҳаммасидан бор. Шелухани мол охурига солиб, бироздан кейин текширинг-а, данадек ва ундан кичик тошлар чиқади. Ахир бу тош, шағал, қумлар молнинг ошқорзонини ичдан чиқаради-ку. Шунинг учун вақти-вақти билан тадбиркорлар сотаётган емларнинг сифатини ҳам текшириб туриш шарт, деб ўйлайман.

Буни туман, ҳатто, вилоятдаги чорва дахлдор раҳбарлар яхши тушунадилар ва билладилар. Лекин, асосий масала, яъни хўжалиқлар учун ем тақсимлаш, фонд ажратиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга келганда ўзларини четга оладилар. Билмадик, бу долзарб масала қачонга ҳал қилинай қолверадиган...

Носир РИХСИЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ТАХРИРИЯТДАН:

Дарҳақиқат, суҳбатда кўтарилган бу долзарб масала фақатгина Тошкент туманига эмас, балки, вилоятдаги, қолаверса, республикадаги чорвадор хўжалиқларининг ҳам муаммосидир. Қизиги шундаки, бу ҳақда биринчи марта сўз бораётгани ҳам йўқ. Хусусан, «Тошкент ҳақиқати» газетасида бу муаммо бир неча марта ўртага ташланган. Лекин, афсуски, мутасаддилар идоралар ҳамон масаланинг ечимини ҳақида астойдил кўп қойитмайдилар. Очиги, энди бундай ҳолга ортқ йўл қўйиб бўлмайди. 2003 йилда мутасаддилар масала ижобий ҳал қилинишига қаратилган бирон амалий чора кўрадилар, деб умид қиламиз.

“КУДУС: АБАДИЯТ ТИМСОЛИ”

Тошкентдаги Замонавий санъат марказида исроиллик мусаввир Михаил Левитнинг “Кудус: абадиёт тимсоли” мавзусидаги фотокўргазмаси намойиш этилмоқда.

Кудусни яхудиёлар, мусулмонлар ва насронийлар муқаддас шаҳар деб биладилар. Чунки бу ерда уч дин кадамжолари мавжуд бўлиб, улар “Ноллар девори”, “Муқаддас тобут қўйилган ибодатхона” ва Ал-Ақсоидир. Хозирда мазкур уч буюк муқаддас гўша бутун дунё зиёратчиларининг қадамжосига айланган қолган. Кудус Мухаммад алайҳиссаломнинг еттинчи осмонга кўтарилган жойи, Ал-Асо номи билан тилга олинади. Исроиллик сураткашнинг фотоларида Кудуси шарифнинг муқаддаслиги акс этган.

— Деярли 35 йилдан бери ижод қилиб келаётган, Ми-



Наврўз яқин

Кўпқарида улоқ олган,

Ҳар имога қулоқ солган.

Чавандозин асраб қолган

Отлар шайдир — Наврўз яқин!

Емишлари сули, кишиши,

Узангиси олтин, кумуш.

Чавандози зўр алпомиш,

Отлар шайдир — Наврўз яқин!

Хорижда аёлларни қулишга ўргатадиган махсус институт очилди.

Хабар

Кекса масхарабоз Марк Стеффорд останада ўзини яна бир қарра кўздан кечирди. Костюмининг этакларини тортиб қўйди, галстугининг тугунини ушлаб кўрди ва ним таъзим билан эшикни очиб, ичкари кирди: — Салом, муҳтарам хонимлар!

Хар ер-хар ердан «Салом» деган товушлар эшитилди. Стеффорд дадил қадамлар билан дераза ёнидаги столга қўнғилишди. Узун, орик панжаларини столга тираб, ауди-торияга тикилди. Юшқоқ ўриндиқлар қўйилган кенг, ёғру хонада йигирма чоғли хотин-қиз ўтирарди. Улар икки овора, уч овора бўлиб суҳбатга берилган. Баъзи хонимларнинг лабидида узун, ингичка сигарета тутади. Хонани кўкмиртир дуд, турфа хил атир, ула-элик, янги чармининг ёқимсиз ҳиди босиб кетган. Кўча тарафга ўрнатилган юлкан ҳаво алмаштиригич бу хидларни утиб улгурмапти.

Стеффорд аста томоқ кирди ва: — Азизлар... — деди илтижо оҳангиди. Бунга жавобан бурчакдаги аёллар қийқириб юборди. Стеффорд довдираб уларга қаради. Тўрт-беш хотин оёқларини чалиштирганча, шанғиллаб бир нимани муҳокама қилишарди. Муаллим панжасининг сирти билан столни урди. Бир неча хонимнинг диққатини тортган, дарҳол муддаога кўчди:

— Танишиб олайлик. Каминангиз бугундан эътиборан сизларга назокатли кулги хусусида сабоқ бераман.

— «О'кей! Биз ҳам бахтиёримиз!» деган хитоблар янгради. Стеффорд у ёқдан — бу ёққа юриб, марузасини боқладди:

— Дунёда кулгининг хили кўп: иш-шайиш, илжайиш, хиринглаш, хоҳолаш ва ҳоказо.

Стеффорд ҳазил-мутўйба ҳақида, ҳушвақтлик ва дилқашлик, Бернард Шоу, Чаплин, Марк Твен каби машҳур санъаткорларнинг узоқ яшаш сирлари ҳақида гапирди.

— Жаноб Стеффорд, ўзлари қанча йил умр кўришни мўлжаллаб қўйганлар? — деди орқароқда ўтирган ясама сочли озгин аёл.

— Бу сизга боғлиқ, — деди Стеффорд дарҳол. Аёл кулди:

— Мабодо мен эртага ўзимни оссам-чи, унда нима қиласиз?

— Унингизга бориб таъзия билдираман. Хотинлар хандон ташлашди. Стеффорд гани улаб кетди:

— Дарсдан мақсад — мана шунақа орақдан, самимий қулишни ўрганиш. Кейинги вақтда одамлар ким инсоний кулгини унутиб қўйишди. Меланхоликлар, пессимистлар бўлиб кетди. Биров башарангизга қараб тиржайса, сизга ачинаётганим, ўлим тилаётганим, билиб бўлмайди.

Стеффорд ўртароққа қўйилган креслога суянди.

— Қани, хонимлар, яна бир марта болаларча қотиб-қотиб қулаамиз. Бир, икки, бош-ладик! — У Фантомасга ўхшаб, сунъий хоҳолади. Аёллар дув кулги кўтаришди. Улар кулгилари кистагани учун эмас, кекса масхарабознинг қилиғига қулаётган эдилар.

Бунга Стеффорд сездди, аммо пинангини бўзмади.

Ниҳоят, муаллим кулгисевар хонимлардан бирини креслога таклиф қилди. Ўриндиққа қирқлардан ошган, эгни-бошидан фарқнамо бир хотин келиб ўтирди. «Икки юз доллар тўлаб муком билан кулишни ҳавас қилгунча, чоринингни янғиламайсанми, нодон!» ўйлади ичиди Стеффорд.

— Хайрон бўлманг, жаноб, — деди хотин унинг фикрини сезгандай, — мен бир бечора одамман. Эрим икковимиз кўча супурамыз. Бизда икки юз доллар нима қилсин. Беш боламиз бор. Таниш-билишлар қўллашиб, қумаклашиб эллик доллар тўлаб беришиди. Мен атиги беш марта дарсга қатнашаман. Менга шафқат қилинг, ёвуз душманларимнинг аччиқ таъналаридан қандай қутулай, икки оғиз маслаҳат беринг.

Хотин чўнтак қовлади. Стеффорд дарҳол ёнидан қоғоз рўмолча олиб узатди. Аёл миннатдор бўлиб кўзини артди.

— Уксинманг, хоним, — юпатди муаллим, — бу дунёда ўлимдан бошқасининг чораси бор. Гапиринг, қулогим сизда.

— Эрим шўрлик бир кунни сахар пайти

кўча супураётиб, бир халта пул топиб олибди. Уйга олиб келди-у, эшикни қўлқаб, санай бошладик. Ё, парвардигор! Халтадан ярим миллион доллар чиқди. Тасаввур қиляспизми, ярим миллион доллар-а?!

Аёллар оҳ тортиб юборишди. Орқароқда «Кинг сайс» сигаретини тутатиб ўтирган чиройли жувон эса: «Бе... Ярим миллион ҳам пулни? Менинг бир хафталик машаитим-ку!» деб қўйди. Фаррош хотин давом этди: «Эр-хотин ўтириб ўйладик. Нима қилиш керак? Агар исини чиқармай ё ётсам, бир умрга етади. Хатто бола-чақаларимизга ҳам қолади. «Ўғирлаб олганим йўқ, — деди отаси — худонинг ўзи етказди. Кел, бировча билдирмай қўй қолайлик. Улгунча кашшоқликдан қутуламиз!» Олдинга кўнгандай бўлди. Майли, биз ҳам одамга ўхшаб тирикчилик қилсак, қилайлик, дедим. Кейин, ўйлаб-ўйлаб, кўрдим. «Харом оқмайди», отаси, болаларимизга қасри тегади. Асли худо

ошириб тупурди-ю, тескари қараб кетди. Кўринган киши устимиздан қулади. Бир ойда икки минг хат олдик. Ит эшитмайдиган гапларни ёзишди. Марк Твен тирик бўлганда, сенларни яна бир қотиб қиларди, деб ёзибди бир киши... Тунов кунки кичик ўғлимизни мактабга киритмайдилар. Бутун мамлакатни шарманда қилган жинни фаррошнинг боласига ўрин йўқ, деб бўсагадан ҳайдашди.

Аёл жим қолди. Стеффорд унга далда берган бўлди:

— Ингламанг, хоним. Одамларнинг томоғи харомга ўрганиб кетди. Сиз ўқинманг. Жомакорингизни энги билан пешона терингизни артиб топаётган нонингизнинг ширинлигини ўйлаб, севининг. Телба — сиз эмас, харом-харишдан ҳазар қилмайдилар телба. Сиз уларнинг устидан қулинг...

... Ва яна пул топиб олсангиз, аҳмоқлик қилманг! — лўкма ташлади «жинни» деб қичқирган аёл. Кулги кўтарилди.

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Авал хабар берганимиздек, Чирчиқ шаҳридаги «Олмос» спорт мажмуида 1985-86 йилларда туғилган боксчилар ўртасида вилоят биринчилиги бўлиб ўтган эди.

10 та вазн тоифаси бўйича Бахтиёр Хасанов (48 кг), Улугбек Мадисманов (51 кг), Валихон Қуролбоев (54 кг), Нурлан Қоражиғитов (57 кг), Собир Бегимқулов (60 кг), Зоҳид Нишонов (64 кг), Ғулможон Асланов (69 кг), Ербол Романов (75 кг), Фаррух Юсупов (81 кг) ҳамда Тимур Мижидов (91 кг) голибликни қўлга киритишди.

ЖАЖЖИ АЛПОМИШЛАР

Тошкент туманида «Турон» яққа қураши бўйича 4-7 ёшли боғча болалари ўртасида туман очик биринчилиги бўлиб ўтди. Мусобақада Тошкент ва Янгийўл туманларидаги бир неча боғчадан 100 га яқин болалар иштирок этишди.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент туманидаги 2-болалар боғчаси фарҳли биринчи ўринга эга бўлди. Иккинчи ўрин 16-болалар боғчасига насиб этди. Янгийўл туманидан келган боғча болалари учинчи ўринни эгаллашди. 2-болалар боғчасидан Зокир Сартоев, Жаҳонгир Қўчқоров, Фаррух Йўлдошев, Сабохат Туронова каби кичкинтойлар катта маҳорат намойиш этган бўлсалар, 16-болалар боғчаси вакиллари Баҳодир Абдунабиев, Фаррух Шокаримов, Акбар Турсунов ҳамда янгийўллик Акбар Шахрамов улардан қолишмасликка ҳаракат қилишди.

— Ушбу мусобақани ўтказишдан қўзланган мақсад, миллий спортизмиз тури бўлмиш яққа қураши оммалаштириш, ривожлантириш, вилоятимиз кишлоқ ва маҳаллаларида ёшларнинг спортга қизиқшини оширишдир, — деди вилоят «Турон» яққа қураш федерацияси президенти Ақром Шердаев. Ҳуришда НАЗАРОВА.



«ПАХТАКОР» ФИНАЛ БЎСАФАСИДА ТЎХТАДИ

Россия пойтахти Москва шаҳрида футбол бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) чемпионлари кубоги мусобақаси якунланди.

Ўн биринчи мартаба ташкиллаштирилган ушбу аъёнаний турнирда катнашган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ишончли ўйин кўрсатиб ярим финалга чиққанди. Финалга йўлланма олиш учун тошкентликлар Латвиянинг «Сконто» жамоасини енгиши лозим эди. Лекин, учрашувнинг асосий вақти 2:2 ҳисобида дуранг билан якунланди. Шундан сўнг мусобақа қондасига кўра жамоалар пенальтилар бўйича баҳс-лашди. Бирок 11 метрлик белгидан тўп тепиш чоғида омад пахтакорчилардан юз ўғирди.

Пенальтилар бўйича 3:1 ҳисоби кайд этилди ва «Сконто» финалга йўлланма олди. МДҲ чемпионлари кубогининг бу йилги соҳибни эса «Сконто»ни финалда енгган Молдованинг «Шериф» жамоаси бўлди. «Шериф» футболчилари ригаликларни 2:1 ҳисобида мағлуб этди. Ўн биринчи бор ўтказилган ушбу турнирда кубок олти марта Россия чемпиони «Спартак»ка ва тўрт марта Украина пешқадами «Динамо»га насиб қилган.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси.



хил Левит Самарқандда таваллуд топан, — деди марказ санъатшуноси Саида Илҳомова. — Хозир у Исроилда яшаб ижод қилади. М. Левит қўллаб халқроқ, шу-нингдек, бир неча шахсий кўргазмалари иштирокчиси. Унда бошқа сураткашларнинг назари тушмаган, ўзига хос бўлган табиийликни илғаш кучли. Левит асарларида, гарчи кўз ўнгингизда тасмада қотиб қолган лахва тасвирланган бўлсада, унда сиз олмангиз бутун уйғунлигини, узгарувчан ва рангбаранглигини ҳис этасиз. Кўргазмага қўйилган «Кудус қиёфаси» туркумидаги суратларда доғишманлик, гаггинлик, умидсизлик ҳамда қувонч, ишонч ва муҳаббат лаҳзалари акс этади.

«Туркистон-пресс».

Халқ табобати



Марказий Осиёда ушбу ўсимликдан сурункали гастрит, энтероколит, сариқ касаллиги, бўйрак тош касалликларида фойдаланилади. Қовуриб, яччилан уруғларини асалга аралаштириб, бўйрак ва қовуқдаги тошларни эритиш учун ишлатилади. Бундан ташқари, зира уруғлари жароҳатларни битирадиган, одам семириб кетганда, оғирлигини камайтирадиган дори сифатида ҳам қўлланади. Ибн Сино зира меваларини майда янчиб, жигар, талок касалликларига даво қилиш учун ишлатиб, сиркада тайёрланган даммасини бурун қонанича қарши бурурган. Мевалардан тайёрланган гален препаратлари талок ўсималари, стоматитда ва организмни қувватла киргизиш учун ҳам қўлланади.

Гипоцид гастритлар, колитларда, ўт ўлларининг яллиғланиш касалликларида меъда-ичак ишини қучайтириш учун зира уруғларидан замонавий табобатда кенг фойдаланилади. Зира таркибиде бўладиган эфир мойи оқсиллар алмашинувини анча ўрнига келтиради, жигар ҳамда меъда ости беши фаолиятини сезиларли даражада ҳонлантиради.

Тайёрлаш усули: 1 ош қошиқ микродоридаги зира уруғи устига 400 миллилитр қайнаган иссиқ сув қўйиб, паст оловда 20 минут давомида қайнатилди. Кейин совиғунча дамба қўйилди-да, сузиб олинди. Кунига 3 маҳал овқатдан олдин ярим стакандан ичилди.



ЖАЖЖИ АЛПОМИШЛАР ТЕЛБАЛАР (Хикоя)

бизни камбағал қилиб яратган шекилли, пулни полицияга олиб бориб топширинг», дедим. «Худони ўртага солма, — деб отаси уришиб берди, — хозирги замонада пулинг бўлса, ҳамма нарсани сотиб олиш мумкин. Худо камбағал қилиб яратган эмиш... Ким айтди сенга бу аҳмоқона гапни! Ҳамма одам бир одам. Хамиртуруш худда бемаза нарса, оғизга олиб бўлмайди. Лекин, муштарай хамири у ёстиқдай қилади. Хамиртуруш йўқ одамнинг шўри қурсин... Йўқ, пулни бермайман, мен инсонман, ҳамма қоллаб олаётганда, мен ҳовучлаб олсам, нима қилибди?»

Эримнинг феълини биламан, ўлғудай ўжар. Йўқ, деб оғини тираб олди. Ингладим-сиқтадим, бўлмади. Тақридан тан бердим. Бу орада катта ўғлимизни машина босиб кетди. Хайтовор, бахтимизга ўлмади, босган одамнинг ўзи госпиталга обориб даволатиб берди. Кўнглимга гулгула тушди. Фалокатни халиги харом пулдан кўрдим. Бир кунни идиш-товоқ ювиб туриб қайноқ сувга қўлимни қуйдириб олдим. Ўн икки йилдан бери мик этмай турган мурвати отилиб кетиб, икки қўлим говва қавариб кетди. Эрим ҳам тобора тажангалиб борарди. Уйга кирди — ўх тортади, кўчага чиқди — ўх тортади. Кечалари ёнига болта қўйиб ётади. Бир кун тушимда пулни бўёқча бер, деб бошига қора музг қилган одам бўйиб қолди. Дод деб уйочини кетдим.

— Бўлмайди. Пул эмас, бир қоп ташвиш топиб олибмиз, — деб отаси халтани қўлтиқлаб кетди.

Хуллас, полиция маҳкамасига пулни топшириб, қайтди.

— Жинни! — чинқираб юборди бир хотин. Стеффорд унга эътибор қилмади, фаррош хотинга мулоийм боқиб сўради:

— Кейин нима бўлди?

— Бояги хоним тўғри айтди, — йиглам-сирдади фаррош, — одамлар бизни жиннига чиқарди. Полицияхонада бир ғўрсўхта репортёр турган экан, эрим пул топшираётганда шик этказиб суратини олибди-ю, отизотини, адресларимизни ёзиб олиб, газетага берибди. Балонинг каттасига қолдик. Хўжайин эримни қақириб: «Мен сизни тузук одам деб юрардим, ғирт аҳмоқ экансиз-ку!» дедди. Бир йўлакда турадиган қўшнимиз газета кўтариб кириб келди. «Ростданман шунча пулни полицияга топширдларми?» «Ха», дегандим, елкамдан

Ўриндиққа ёшини билиб бўлмайдиган, юпка, эркакчасига қўйлак-шим кийган, қулча юзли, қоши йўқ аёл келиб ўтирди. — Менинг уч йил сақиз ой умрим қолди, жаноб Стеффорд, — деди у оғир тин олиб.

— Буни сизга ким айтди? — шошиб сўради муаллим. Аёл собиқ қолларининг ўрнини кериб «лаббай» деди, сўнг тарадудланиб, сумкачасидан чой қошиқдай аппарат олди-да, қулгоғига қистирди.

— Узр, — деди у маънос жимлайиб, — қулқол масаласи... Агар ақдшасам, сиз ўлимизини ким башорат қилди, деб сўрадингиз. Ўзим биламан. Қолган пулимга қараб ҳисобладим.

Аёл дахшатли достонини бошлади: — Эхтимол, менинг номимни эшитгандирсиз, мен Ф. хоним бўламан — у машҳур бир кино юлдузини атади. — Бир вақтлар мен Холливуднинг гули эдим. Хўсн баҳор гулларидай ўткинчи бўлиб, тез келиб кетар экан. Мана, Холливудни тарк этганимга ҳам йигирма йил бўлибди. Асли ўшанда шерга ем бўлиб кетаверсам машқулдим... Бир марта Африкада кинога тўшаётганимда, мени шернинг чангалидан аранг қутқазиб қолишган.

Алқисса, жаноб, мана бир йилдан бери бировни қийнаб рохат қиладиган имонсиз золимларнинг зулмига йўлқидим. Бир кун телефон жирингладик. Гўшакни олсам: «Муҳтарам хоним! Маъзур кўрайсиз, шай бўлиб туринг, эртага соат бешда фалон кинотеатрда олдиде жаҳаннамга хўнайсиз», дейди йўғон овоз. Шу-шу кинотеатр томонга кадам босмайман. Яна бир кунни хат олдим. «Бугун кечқурун 2-гайдирарқадки кичик гўмбазнинг тарновига 100 доллар қўйишгингизни илтимос қиламиз. Собик мухлисларингиз!» дейлибди. Ендим, қуврилдим, бирок ҳеч кимга айтмадим. Пулни ҳам обормадим. Кечаси телефон бўлди. «Юз доллар ё ўлим — қай бири афзал?» деб гаплетона савол беришди. Қўрқанимдан эртасига кечқурун олиб бордим. Буталар орасидан қуролланган икки йигит чиқди-ю, қил-япғонч қилиб ечинтириб, суратимни олишди. Эгни бошимни ҳам беришмади. Тонг отгунча дийдираб ўтириб чиқдим. Уч кундан кейин, ё парвардигор, ўзинг паноҳингда асра, кийим-бошим, 97 доллар ва ... ўн етти ёшимда, тушган расмим билан кечаги шармандали сурат келди уйга. Сурат тағига «Кино юлдузи

фалончи хоним. Осмонда ва ерда», деб ёзилибди.

— Сўзумо йигитлар экан, яхши ном топилибди, — қиқирлашди хотинлар.

Бечора аёл сўзида давом этди: — Бугун эрталаб эшик қоқилди. Чиқсам, дафн этиш бюросининг агенти. «Сиз марҳумга бўлибсиз, мана бу — мухлисларингиздан», деб қора гулчамбар билан хат узатди. Узимга бағишланган таъзияномани ўзим қабул қилиб олдим. Шунақасини ҳеч эшитганимиз, жаноб?

Стеффорд бош чайкади, аёл оҳ тортиди. — Кейинги пайтда ўзимни кийимдан, овқатдан қисиб, шахсий қўриқчи ёлладим. Бор пулимни унга бағишладим. Ҳисоблаб кўрсам, уч йил сақиз ойга етар экан... Одамлар бунча бешафқат, бунча ёвуз! Менинг гуноҳим нима? Бир вақтлар юртимизнинг шўхратини оламга ёйганимми?

— Сизнинг гуноҳингиз истеъдодли бўлиб тутилганингиз, — деди Стеффорд.

— Илтимос қиламан, сиз менга далда берманг, — деди аёл, — мен бу ерга юпанч ахтариб эмас, сизга дашон бергани келдим. Сиз, болаларча бегубор қулинг, дейсиз. Қулги соғ одамга ярашади. Бизда ҳамма касал-ку, ахир! Жамиятни қулдириш учун, аввало уни даволаш керак, жаноб Стеффорд!

— Афсуски, мен психиатр эмасман, — деди мунгайиб муаллим.

— Мен психиатрман! — ўртароқдан янғроқ овоз келди.

Олдига жилпанглаб гўзал жувон чиқди. Унинг эгни-боши, тақинчоқлари, ўзини тутиши, кибру ҳаво билан қулишидан олий табақага мансуб хоним эканлиги кўриниб турарди. У товус қанотидай рангдор, кенг юбқасининг этагини химариб, оппоқ сонини очиб ўтирди ва ноз билан жилмайиб, Стеффордга қаради:

— Жаноб, нукул йўғлоки хотинларни йиғибсиз-ку? Бу ер ҳаратхонами ё кулги институтими? Мана, менинг заррача гамаандумим йўқ. Оғзим тўла кулги. Табассумнинг тўқсон тўққиз хилини биламан. Хоҳласангиз, сизга ҳам ўргатиб қўйишим мумкин. Йўқса, нега келдингиз, дейсизми? Шунчаки, эрмак учун. Мен ҳаводига кушлардай эркинман. Бугун шаттадман, эртага Японияда, индинга Австралияда, яна уч кундан сўнг Швеция ўрмонларида... Дунёдан зериккан одамман. Мен учун ҳеч нарсанинг қизиғи йўқ. Алам, ҳўрлик, очлик, кураш, хиёнат, разолат деган гапларга тушунмайман. Назаримда дунё фақат яшил ва мовий рангга бўйланган, яъни еру осмондангина иборат. Бирон максимдан ҳам йўқ, яшашдан мақсад — яшаш. Тушундингизми, жаноб? Ана энди ўтириб, бир оз дамингизни олинг, мен сизга ва толибларингизга кулгининг қанақа бўлишини бир кўрсатгай.

Жувон ириб ўрнидан турди, ўриндиқни тепиб, нарс сурди ва қорнини чангаллаб қийқирчиб қулди: «Бу папуасларнинг қулгиси, — деди у, — энди суахиллар қандоқ қулдимини томоша қилинг», — жувон қўлларини олға қўзиб, хайрлашаётгандай силкипти ва озгини юмиб қиқирлади.

Жувон ҳаҳондаги турли халқ ва элатларнинг таомилларига тақлид қила кетди. У ерга ўтириб, икки боладай оёқларини типирчилатар, сўнг ўрнидан туриб, тиззаларига шашлаб уриб, эгилиб қулар, гоҳ чапак чалиб, тилини чиқарар, гоҳ осмонга қараб, хоҳоларди. Аёллар ичкаклири узилғудай бўлиб қулар, кўз ёшларини артиб, бурунларини тортар эдилар.

Ниҳоят, гўзал жувон чарчиди. Унинг пуштиранг патила сочлари манглайига ёпишиб қолган, озгини кап-кап очиб хансирарди. Жувон шик этиб ўриндиққа қўчди-ю, аллақайси ёввойи қушга ўхшатиб: «Кивё-ви-и!» деб қўйди. Хотинлар тағин сонларини чимчилаб қулишга тушдилар. Стеффординг гаши келди. «Майнавозчилар... Худбин телбалар», пичирлади, алам билан. Муаллим столни чертди. Кейин қаттиқроқ тижиллатди. Хотинлар ўриндиқда ялпайиб ўтирган жувонга қараб мириқиб қулардилар. Муаллим столни ура билдириди. Баттар қулги кўтарилди. Стеффординг кўзи олайди, у ғазаб билан столни икки қўллаб муштлади. Бунга жавобан хотинлар шипни ларзага келтириб, хоҳолдай бошлашди. Стеффорд: «Бас! Бас!» деб бақирди. Лекин, қулги тобора авжига чиқар, бу дахшатли қаҳқаҳани Стеффорд эмас, дунёдаги жамийи муаллимлар, психиатрлар, доғишманлар... ҳеч кимса тўхтаолмас эди.

Биласизми?

Украинада нон музейи ташкил қилинган бўлиб, ундаги ажойиб экспонатлар нон этиштириш технологиясини, умуман, нонга боғлиқ барча тарихий воқеаларни қаро қилиди.

Нью-Йорк музейида қарийб — 3400 йил аввал ёпилган нон қўйилган. Бошқа маълумотларда эса, Мисрда — малика Хатшепсут мақбарасида дунёдаги энг қадимги нон топилаганлиги баён қилинган. Бу нон ёпилганидан буён — 3500 йилдан кўпроқ вақт ўтган экан...

Бундан ўн йиллар чамаси икки боксчи рингда учрашишди. Улардан бири — Дэнни Лондон тўғма қар-соқов эди. Жанг пайтда зарбларнинг бири Дэннинг бошига тўғри келиб қолади ва шу пайт у залдаги бутун шовқин-суронни эшити бошлаганлигини, хаттоки, гапирши ҳам мумкинлигини сезади.

1748 йили Везувий вулкани кули остида қолган қадимги Рим шаҳарларини қавлашганда, 82 буханка нон топилган.

Мутхассисларнинг инсон кўзи турли гулларнинг 17 минг хил рангини фарқлай олишини аниқлашган.

Республика қўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиалида